



ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Жаҳонгир Холмуротов

Андижон давлат университети Тарих мутахассислиги магистранти

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p3-106>

ARTICLE INFO

Received: 10th February 2023

Accepted: 17th February 2023

Online: 18th February 2023

KEY WORDS

Иккинчи жаҳон уруши, солиқ, қишлоқ хўжалик солиғи, деҳқон хўжаликлари, колхоз, солиқ ставкаси, ҳарбий солиқ.

ABSTRACT

Мақолада Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда совет давлатидаги солиқ тизими масалалри таҳлил этилган. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги аҳволи, колхозчилар ва якка деҳқон хўжаликлари зиммасига юклатилган солиқ миқдори ҳақида маълумот берилган.

Ўзбекистонда советлар ҳукмронлигининг 1940-1950 йиллардаги қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари умумиттифоқ ва минтақавий хусусиятдаги кўплаб илмий адабиётларда анча кенг ёритилган. Лекин, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда давлат ва деҳқонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи, хусусан, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлган қишлоқ хўжалигида деҳқон хўжаликларини солиққа тортиш масаласи тарихшуносликда анча кам даражада ўрганилган.

Совет халқининг 1941-1945 йилларда фашизмга қарши уруши даврида мамлакатнинг барча моддий ва молиявий ресурсларини уруш эҳтиёжлари учун сафарбар қилишни талаб қилди. Бунинг учун аҳолига янги турдаги солиқлар киритилди, мавжудлари қайта кўриб чиқилди ва уларга ўзгартиришлар киритилди. Аҳолининг турли қатламларига солиқ масаласида жорий этилган солиқ имтиёзлари камайтирилди. Қишлоқ аҳолисидан олинган солиқларнинг кўпайиши СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 3 июлдаги №31-сонли “Уруш даври учун қишлоқ хўжалиги солиғи ва жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича вақтинчалик қўшимча тўловни белгилаш тўғрисида”ги фармони билан амал қила бошлади. Бу фармонга кўра, қўшимча тўлов миқдори қишлоқ хўжалиги солиғи суммасининг 100 фоизи миқдорда белгиланган эди [1. Б.12]. 1942 йилда алоҳида ҳарбий солиқнинг жорий этилиши билан солиқ бўйича қўшимча тўлов бекор қилинади [2. Б.57]. Колхозчилар ва якка тартибдаги деҳқонлардан янги тартибдаги солиққа тортишнинг йиллик ставкалари совет мамлакатининг турли минтақаларида 150 сўмдан 600 сўмгача миқдорда белгиланган. Ўзбекистон ССРда колхозчилар ва якка тартибдаги деҳқон хўжалиги аъзоларига ўртача 270 сўмдан 450 сўмгача солиқ ставкалари белгиланган [3. Б.112].



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг ошиши ҳисобига якка деҳқон хўжаликлари даромадларининг кўпайиши муносабати билан улардан олинадиган солиқ миқдорини кўпайтириш мақсадида 1943 йилда “Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида”ги Қонунга қўшимча ўзгартиришлар киритилди. СССР Олий Совети Президиуми колхозчилар ва якка деҳқон хўжаликларининг солиққа тортиладиган даромадлари нормаларини кўпайтирди. Бундан ташқари, ставкалар шкаласининг ривожланиши сезиларли даражада ошди. Якка тартибдаги деҳқон хўжаликларига солиқ солиш тартиби ҳам ўзгарди. Яъни, солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун ягона тариф шкаласи бўйича солиқ солиш амал қила бошлади ва бир вақтнинг ўзида унинг миқдори 100 фоизга ошди. Натижада, 1943 йилда битта колхоз томонидан тўланадиган солиқ миқдори 6,4 баравар (154 сўмдан 992 сўмгача), ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигидан олинаётган солиқ миқдори эса 3,4 баравар (161 сўмдан 547 сўмгача), битта якка тартибдаги деҳқон хўжалигидан олинадиган солиқ миқдори эса 4,9 баравар (297 сўмдан 1464 сўмгача) ошди [4. Б.72].

Урушдан кейинги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий шароит солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритишни тақозо этарди. Бу эса, биринчи навбатда уруш туфайли вайрон бўлган қишлоқ хўжалигини тиклаш нуқтаи назаридан жуда муҳим эди. СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 6 июлдаги фармони билан муҳофаа саноатида ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг даромадларига белгиланган ҳарбий солиқ бекор қилинди [5]. Бироқ, айни пайтда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 1946 йил бошларигача ҳарбий солиқни тўлашда давом этдилар [6. Б.66].

Урушдан кейинги давр СССР қишлоқ хўжалигида қийин вазият билан ажралиб турарди. Уруш йилларида қишлоқ хўжалиги солиғи ва турли тўловларнинг узлуксиз ўсиб боргани якка деҳқон хўжаликларининг кескин қисқаришига ва қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволининг ёмонлашишига олиб келди. Шунга боғлиқ равишда солиқ солинадиган база ҳам камайган эди. Лекин, совет ҳукумати йўқотишларни қоплаш учун қишлоқ хўжалигига белгиланган солиқ юкига босимни янада оширишга киришади. 1946 йилдаги қурғоқчилик мамлакатнинг кўплаб ҳудудларини, айниқса, Волгабўйи вилоятларини қамраб олди. Озиқ-овқат тақчиллиги ҳукуматнинг солиқ сиёсатини янада кучайтиришига сабаб бўлди. Буларнинг ҳаммаси ушбу соҳада асосан маъмурий босим ва мажбурлаш асосида амалга оширила бошлади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги солиғини ундиришда колхозчилар ва деҳқон хўжаликларининг даромадлари ҳар бир тури бўйича алоҳида ҳисобланиб, шу жумладан боғлар, узумзорлар, турли хил чорва, асаларичилик, ипак ва бошқалар бўйича топилаётган даромадларга алоҳида солиқлар жорий этилди. Ҳар бир даромад манбасининг солиқ нормалари белгиланган эди. 1948 йил 13 июлда СССР Олий Совети Президиуми томонидан қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида” фармонда қишлоқ хўжалиги (колхозчилар ва якка деҳқон хўжаликлари) учун солиқ тизимига катта ўзгартиришлар киритилди. Энг муҳими, фармонда қишлоқ хўжалиги солиғи ставкалари сезиларди даражада оширилди. Фармон билан 1943 йилдан бери амалда бўлган қонунлар бекор қилинди ва уларнинг ўрнига янги юқори солиқ ставкалари ўрнатилди.



Мамлакатнинг иттифоқдош республикаларида қишлоқ хўжалик манбаларидан солиқ солинадиган даромад қуйидаги ўрта даромад нормаларига қараб белгиланиши жорий этилди:

1-жадвал

Гектарнинг юздан бир қисмидан ҳисобланадиган даромад миқдори (сўм ҳисобида) [7. Б.4]

Солиқ манбалари	РСФСР	Озарбайжон ССР	Грузия ССР	Арманистон ССР	Туркменистон ССР	Ўзбекистон ССР	Тожикистон ССР	Қозоғистон ССР	Қирғизистон ССР
Дон экинлари ва қуйида кўрсатиладиганлардан бошқа экинлар	40	25	30	30	40	40	40	40	40
Картошка экини	120	100	100	100	110	130	110	110	120
Полиз ва қовун-тарвуз	160	170	170	170	200	200	180	160	200
Боғлар ва мевазорлар	160	200	200	200	220	220	200	180	220
Токзорлар	180	220	220	220	240	240	220	200	240
Пичанзорлар	8	7	7	7	8	8	8	8	8

2-жадвал

Маҳсулдор ҳайвон бошидан ҳисобланадиган даромад миқдори (сўм ҳисобида) [7. Б.5]

Солиқ манбалари	РСФСР	Азарбайжон ССР	Грузия ССР	Арманистон ССР	Туркменистон ССР	Ўзбекистон ССР	Тожикистон ССР	Қозоғистон ССР	Қирғизистон ССР
Сигирлар	3500	2000	2000	2000	2500	2500	2000	3000	2500
Қўй ва эчкилар	350	300	250	250	300	350	300	300	300
Чўчқалар	1500	800	1000	800	800	800	800	1000	800
Отлар, туялар, хачирлар	2500	2000	2000	2000	2000	2000	2000	2000	2000
Хўкиз, буқа, буйвол	1300	1000	1000	1000	1000	1000	1000	1000	1000

“Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида” Қонуннинг 4-моддасига кўра, областларга бўлинган иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иттифоқдош республика учун белгиланган ўрта даромад нормаларига асосланиб, айрим автоном республика, ўлка на областлар учун, шу автоном республика, ўлка ва областларнинг иқтисодий хусусиятларига қараб, қишлоқ хўжалигининг турли тормоқлари ва экинлари бўйича 30 фоизгача бўлган доирада ошириш ёки камайтириш томонига даромад нормалари белгилаш ҳуқуқига эга экани кўрсатилди. Шунингдек,



буғучиликдан, асаларичиликдан ва ипакчиликдан келадиган даромадлар иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Совети томонидан белгиланиши ҳам қайд этилди [7. Б.7].

Қонуннинг 5-моддаси бўйича қишлоқ хўжалик экинлари, кўп йиллик ўсимликлар ва пичанзорларнинг солиқ солинадиган даромадлари ҳар бир хўжаликда қуйидагича белгиланди: а) навбатдаги йил ҳосили учун ҳақиқатан экилган кузги ва кўкламги экинларнинг бутун майдонидан; б) мева берадиган ёшдаги боғ, мевазор, токзор ва бошқа кўп йиллик ўсимликларнинг ҳақиқий майдонидан; в) пичанзорларнинг ҳақиқий майдонидан. Бунга кўра, ҳар бир қишлоқ хўжалик экиннинг майдони ҳақиқатан экилган экин майдонига қараб белгиланган.

Йил давомида бир неча турли қишлоқ хўжалик экинларини экиб ҳосил олинadиган экин майдонларининг солиқ солинадиган даромади, энг катта даромад нормаси белгиланган экинга қараб белгиланиши ҳам янги таҳрирдаги қонунда акс этди.

Боғ ва мевазорлар учун белгиланган даромад нормаларига қараб, мевали дарахтлар меърида экилган (сийрак бўлмаган) боғнинг солиқ солинадиган даромади белгиланган. Ўша боғ майдонининг қолган қисмига экилган бошқа экинларнинг даромадига солиқ солинмаган. Агар мевали дарахтлар сийрак экилган бўлса, меърида экилган (дарахтлар сийрак бўлмаган) майдон ҳисобидан мевали дарахтлар билан банд бўладиган майдон аниқланиши ва боғ ҳамда мевазорларнинг даромад нормасига мувофиқ ўша майдоннинг солиқ солинадиган даромади белгиланган [7. Б.7].

Об-ҳаво шароити ва бошқа сабаблар натижасида мевали дарахтлар батамом нобуд бўлган тақдирда, нобуд бўлган дарахтларнинг майдони қишлоқ хўжалик солиғи солинганида ҳисобга киритилмаган. Бундай боғнинг қатор ораларига экилган қишлоқ хўжалик экинлари ёки ўриб олинган табиий ўтлар, умумий асосларда ҳисобга олиниб, уларга солиқ солинishi кўрсатилган.

Маҳсулдор ҳайвонлар ва асаларичиликнинг солиқ солинадиган даромадларини белгилашда барча хўжаликларда амалдаги йил 1 июлгача бўлган ҳолатга қараб, қуйидагилар ҳисобга олинган:

- а) маҳсулдор ҳайвонлар: сигирлар, қўй ва эчкилар ҳамда ёши олти ойликдан ошиқ чўчқалар;
- б) иш ҳайвонлари: 2 яшардан бошлаб буқалар, хўкизлар ва буғулар; 3 яшардан бошлаб отлар, туялар, буйволлар на хачирлар;
- в) ромли ва ўйма асалари уяларининг микдори [7. Б.9].

“Қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисида”ги қонунда колхозчиларнинг шахсий даромадларидан олинadиган солиқларни ҳисоблаш тартиблари ҳам кўрсатилган. Қонуннинг 8-моддасига кўра, хусусий ёрдамчи хўжалигидан: томорқа ер участкасидан, ҳайвонлардан ва деҳқончиликдан ташқари ишлардан даромадлари бўлган колхозчиларнинг хўжаликларидан, қишлоқ хўжалик солиғи хўжаликнинг солиқ солинадиган даромадларининг йиллик суммасидан қуйидаги ставкалар жадвалига мувофиқ ҳисобланган:



Хўжаликнинг солиқ солинадиган йиллик даромадининг миқдори	Хўжаликка тушадиган солиқ миқдори
2000 сўмгача	Даромаднинг ҳар бир сўмидан 8 тийин
2000 сўмдан – 3000 сўмгача	160 сўм+2000 сўмдан ошиқ бўлган даромаднинг ҳар бир сўмидан 10 тийин
3000 сўмдан – 4000 сўмгача	260 сўм+3000 сўмдан ошиқ бўлган даромаднинг ҳар бир сўмидан 12 тийин
4000 сўмдан – 5000 сўмгача	380 сўм+4000 сўмдан ошиқ бўлган даромаднинг ҳар бир сўмидан 16 тийин
5000 сўмдан – 6000 сўмгача	540 сўм+5000 сўмдан ошиқ бўлган даромаднинг ҳар бир сўмидан 20 тийин
6000 сўмдан – 8000 сўмгача	740 сўм+6000 сўмдан ошиқ бўлган даромаднинг ҳар бир сўмидан 24 тийин
8000 сўмдан ошиқ	1220+8000 сўмдан ошиқ бўлган даромаднинг ҳар бир сўмидан 30 тийин [7. Б.12]

Колхозчиларнинг меҳнат кунлари учун пул ва натура шаклида колхоздан олинган маҳсулотларига қишлоқ хўжалик солиғи солинмаган.

Колхоз аъзоси бўлмаган хўжаликларга ҳам алоҳида солиқ мажбуриятлари юкланган. Бунга кўра, шахсий деҳқончилик ери бўлган, лекин колхоз аъзоси бўлмаган ишчи ва хизматчиларнинг хўжаликлари, шунингдек саноат кооперацияси артеллари аъзоларининг хўжаликлари қуйидаги шартларга мувофиқ бўлсалар, колхозчиларнинг хўжаликлари билан бир хил асосларда қишлоқ хўжалик солиғи тўлашга тортилиши белгиланган:

- агар асосий ишга яроқли киши навбатдаги йилнинг 1 июлига доимий ёлланиб ишлайдиган ишда бўлса ёки камида бир йилдан бери саноат кооперацияси артелининг аъзоси бўлса, оиланинг уй бекаси ва ўқувчилардан бошқа ишга яроқли аъзолари ҳам ёлланиб ишласалар ёки саноат кооперацияси артелининг аъзоси бўлсалар;
- б) агар ҳайвонларнинг сони қишлоқ хўжалик артелининг Устави билан рухсат қилинган нормалардан ошиқ бўлмаса [7. Б.15].

Қонуннинг 11-моддасидаги шартларга мувофиқ бўлган хўжаликларга, бу хўжалик кимининг номида бўлишига қарамасдан, колхозчилар хўжаликлари билан бир хил асосларда солиқ солинган.

Ишчи ва хизматчиларнинг томорқа ер участкаси 0,15 гектардан ошиқ бўлган тақдирда, СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1939 йил 22 январдаги 47-сонли “Қишлоқ жойларида яшовчи колхоз аъзоси бўлмаган ишчи ва хизматчилар, қишлоқ ўқитувчилари, агрономлар ва бошқаларнинг томорқа участкалари тўғрисида” қарори бузилишини йўқотиш учун, район молия бўлимлари бу ҳақда меҳнаткашлар депутатлари район советларининг ижроия комитетларига билдиришга мажбурлиги кўрсатилган.

Колхоз аъзоси бўлмаган ва асосий ишга яроқли кишиси ёки оиланинг бошқа аъзоси Қизил Армия, Ҳарбий –Денгиз флоти ёки чегара ва ички қўшинларда бўлган хўжаликларга, агар бу хўжаликлар Қонуннинг 11-нчи моддасидаги шартларга мувофиқ



бўлса, колхозчилар хўжаликлари билан бир хил асосларда солиқ солиниши кўрсатилган [7. Б.17].

1948 йил август ойининг бошида СССР Министрлар Советининг кўрсатмасига биноан, СССР Молия министрлиги, иттифоқ ва автоном республикалар Министрлар Советлари, ҳудудий ва вилоят Советларининг ижроия қўмиталари икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича қарзларни ундириш, якка тартибдаги хўжаликлардан ва кичик оилалардан олинадиган солиқ, якка тартибдаги хўжаликларнинг отларидан олинадиган солиқ, колхозлардан олинадиган даромад солиғи ва мажбурий иш ҳақини суғурта қилишлари шартлиги белгиланди. Энг муҳими, юқорида санаб ўтилган давлат идоралари аҳолидан ундириладиган солиқларнинг ўз вақтида давлат бюджетига келиб тушишига эътибор қаратишлари лозим эди.

1950 йилда томорқа хўжалигининг ҳисобланган рентабеллик кўрсаткичлари, шунингдек, йиллик даромади тўрт минг сўмдан ортиқ бўлган томорқа хўжаликлар учун солиқ ставкалари оширилди. СССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 7 августдаги фармонига мувофиқ йиллик даромади 4 минг сўмдан 5 минг сўмгача бўлган хўжаликлар 510 сўм солиқ тўлаши керак эди. 4 минг сўмдан ортиқ ҳар бир сўм учун 24 тийиндан қўшимча солиқ тўлаши белгиланган; 5 минг сўмдан 6 минг сўмгача даромадга эга бўлган хўжаликлар 750 сўм ва 5 минг сўмдан ортиқ ҳар бир сўм учун қўшимча 30 тийиндан солиқ тўлаши белгиланган; 6 мингдан 8 минг сўмгача даромадга эга хўжаликлар 1050 сўм ва 6 минг сўмдан ортиқ ҳар бир сўм учун 45 тийиндан қўшимча солиқ тўлаши лозим эди [8. Б.8].

Даромадлари 4 минг сўмдан кам бўлган томорқа хўжаликлари учун солиқ ставкалари миқдори ўзгарилмади.

1951 йилда СССР Олий Совети Президиуми барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун янги юқори солиқ ставкаларини тасдиқлади. Бунга кўра, даромад ошгани сайин солиқ ставкалари улуши ҳам сезиларли даражада ошиб бориши жорий этилди. Яъни, топилган даромад 2000 сўмдан ошмаса, бу даромаднинг ҳар бир сўмидан 12 тийин миқдорда солиқ олинган, 2000 минг сўмдан 3000 сўмгача бўлган даромаддан 240 сўм ва 2000 сўмдан ортиқ ҳар бир сўм учун 14 тийиндан қўшимча солиқ ундирилиши, 8000 сўмдан ортиқ даромаддан 1950 сўм ва 8000 сўмдан ошган ҳар бир сўм учун 48 тийиндан қўшимча тўлов ундирилиши белгиланди [9. Б.22]. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик солиқларини тўлаш муддати ҳам бир ойга сурилиб, энди солиқлар 1 сентябрь, 1 октябрь ва 1 ноябргача тенг қисмларда тўланиши керак эди.

1948-1951 йилларда қишлоқ аҳолисини солиққа тортиш даражаси сезиларли даражада оширилди. Бундан ташқари, урушдан кейинги йилларда, 1947 йилдаги пул ислоҳоти амалга оширилгандан сўнг, бир неча марта озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат чакана нархлари пасайтирилди ва натижада колхоз бозорида нархлар сезиларли даражада пасайди. Шу муносабат билан колхоз бозорида шахсий маҳсулотларни сотиш камайди, лекин қишлоқ хўжалиги солиғи ҳисобланган даромад ставкалари ўзгаришсиз қолди.



References:

1. Ведомости Верховного Совета СССР. 1941. №31.
2. Атутгюнян Ю.В. Советское крестьянство в годы Великой Отечественной войны. – Москва, 1970.
3. Андижон вилоят давлат архиви, 127-фонд, 1-рўйхат, 126-иш.
4. Финансы СССР за XXX лет. 1917-1947. – Москва: Госфиниздат, 1947.
5. Указ Президиума ВС СССР от 6 июля 1945 года “О порядке прекращения взимания военного налога”: Электронный ресурс // Библиотека нормативно-правовых актов Союза Советских Социалистических Республик.
URL:http://www.libussr.ru/doc_ussr/ussr_4552.htm.
6. Ильиных В.А. Налогово-податное обложение сибирской деревни. Конец 1920-х – начало 1950-х гг. – Новосибирск, 2004.
7. Андижон вилоят давлат архиви, 127-фонд, 1-рўйхат, 128-иш.
8. Ведомости Верховного Совета СССР. 1950. №22.
9. Ведомости Верховного Совета СССР. 1951. №33